

Абдулла Орипов шеъриятидаги “мардикор” образи



Гулрух ХУДОЁРОВА

Инсон тафаккури ўзгарувчан ва доимий равишда ривожланиб бориш хусусиятига эга. Бу жараён, айниқса, ижодкор учун хосдир. Чунки дунё ва жамиятда рўй берадиган ҳеч бир жараён унинг синчков нигоҳ ва таҳлилидан четда қолмайди. Чин ижодкор туйғулари инсоният ва ўзи яшаган жамияти билан боғлиқ бўлгани учун ҳам асл ўз яшаш фалсафасини айнан ҳаёт сабоқлари асносида бойитиб, ривожлантириб борадилар.

Шу маънода Абдулла Орипов шеъриятида ҳам бу ҳолат мавжуд бўлиб, мазкур мақолада даҳо шоир ижодидаги биргина образ замирига юкланган улкан ва тамомила янги ғоялар ҳақида сўз боради. Бу – шеъриятдаги тўлиғича янги образ ҳисобланиши мумкин бўлган, Мардикор сиймоси бўлиб, шоирнинг бу образ зиммасига юклаган бадий мақсадини таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Биламизки, бадий адабиётда “кўчма маъно” тушунчаси мавжуд. Биргина шеъриятнинг ўзида қўлланадиган бундай усул асарга янги ҳаёт бахш эта олиши ҳам мумкин. Абдулла Орипов ижодида кўчма маънолардан фойдаланиш алоҳида бўртиб турувчи ҳолатлардан бири. Айниқса, А.Орипов саёҳатномаларини таҳлил этар эканмиз, бу жараённинг бир қанча жиҳатларини аниқ ҳис этамиз ва англаймиз. Шоир саёҳатномалари яратилиш ўрни ва вақтига кўра бир-биридан анча-мунча фарқларга эга бўлиб, қуйидагича кетма-кетликни ташкил этади:

- “Америка сафари” 1985 йил;
- “Ҳаж дафтари” 1992 йил;
- “Женева дафтари” 1996–2003 йиллар;
- “Япон оҳанглари” 2003 йил;
- “Италия туркуми” 2008 йил;
- “Эверест ва уммон” 2015 йилда яратилган.

Мазкур саёҳатномаларининг энг салмоқли қисмини “Эверест ва уммон”

Гулрух ХУДОЁРОВА – 1991 йилда тугилган. Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Унинг “Сен ҳақингда сўз айтсам” деб номланган китоби чоп этилган.

тўпламидаги шеърлар ташкил этиши билан бирга, бу шеърлар шоирнинг ниҳоятда юқори бадий тафаккур тадрижи, ҳаётий тажрибаси ва закий ижодкор нигоҳи ила яратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Юқорида саналган саёҳатномаларда образлар тизими ва мавзулар бир-бирига яқин ва ўхшаш: аёл, ватан, муҳаббат, инсонийлик. Аммо “Эверест ва уммон” тўпламида шундай шеърлар мавжудки, улар мавзу жиҳатдан саёҳатномаликдан тамомила фарқланувчи, янги ва долзарбдир. Хусусан, муаллифнинг “Мардикор”и моҳиятан ана шундай шеърлардан бири, ўзига хос ижод намунасидир.

Дастлаб воқеалар баёни оддий, барчамизга маълум ва таниш жараён ҳақида сўз юритишдан бошланади:

*Бажаргин ўзингга мансуб юмушни,
Овчи ҳам ўлжасин бир ўзи овлар.
Агар ёқтирмаса қандайдир ишни,
Мардикор ёллайди баъзи бировлар.*

Мумтоз адабиётдаги “Мусалсал ғазал” тушунчасига кўра, воқеалар ривожини даражама-даражама ривожланиб боради. Бунга Навоийнинг машҳур “Жонга чун дермен...” деб бошланувчи ғазали ҳам мисолдир. Абдулла Орипов мазкур шеърда мумтоз адабиётдаги шу тадрижийликни бармоқ вазнида моҳирона қўллайди. “Мардикор” шеъри оддий кичик воқеалар баёнидан бошланиб, аста-секин ривожланиб боради. Маҳалладаги ҳашарларда, шанбаликларда пул ёрдамида мардикор ёллаш воқеалари, пулига ишониб, билимсиз фарзандини ўқишга киритиш учун унинг ўрнига илмли болани мардикор сифатида ёллаб, имтиҳонларни топширтириш воқеаларига бориб уланади. Шунда ҳам тадрижийликнинг энг юқори даражаси бу билан якунланмайди. Фожиалар даражаси янада катталашиб бораверади. Энди ҳатто азада ҳам мардикор ишлатилаётгани, яъни “мардикор йиғичилар” ҳақида сўз кетади:

*Бандага раҳм этсин Аллоҳнинг Ўзи,
Қандоқ ҳукм қилар – унда ихтиёр.
Марҳумнинг бўлмаса ўгли ё қизи,
Ё тавба мардикор йиғичилар бор.*

Аста-секин шоир жамиятнинг энг оғир, оғриқли муаммолари томон эътиборни тортиб бораркан, асл фожиани асар кулминацияси сифатида шеър сўнггида маълум қилади:

*Ҳеч кимнинг қўргонин босмасин хатар,
Ҳатто зор қилмасин ҳамсоясига.
Ватаннинг бошига иш тушса агар,
Мардикор боргайми ҳимоясига?*

Дарҳақиқат, тарихдан маълумки, баъзи ҳукмдорлар ёлланма жангчилар мададидан фойдаланганлар. Аммо уларнинг кўпчилиги мағлубиятларга учрагани

ахий факт. Боиси, ёлланма жангчилар фақат пул учунгина жанг қилган. Улар
н бошқа туйғулар бегона. Кўпчилик ҳолларда уларга ким кўпроқ пул таклиф
са, ўша томонга ўтиб кетаверишган. Чунки улар учун вафо, садоқат ҳисси
она. Улар Ватан ва унинг озодлиги эмас, аксинча, мол-дунё учунгина жанг
адилар ва оқибатда ёлланма жангчилар мададига таянган ҳукмдорлар кўп
атларда мағлубиятга учрайдилар. Яъни қадимдаги "ёлланма жангчи" шоир
онидан "мардикор" тушунчасига тенглаштирилади, "мардикорлар" – "ёлланма
нчилар" ҳимоясигагина кун қолган юртнинг ҳолига волиги кўрсатилади. Шу
с юртга, халққа мардикорлар эмас, чинаккам мард фарзандлар, ҳимоячилар
ак, деган ғоя илгари сурилади. Зеро, ҳар бир юртнинг ўз боласигина ўз элини
накам ҳимоя қилади, асраб-авайлайди. Шоир ана шундай катта тушунчани
ардикор" шеъри замирига сингдираркан, ўзининг келажакни кўришга қодир
кир нигоҳи билан инсониятни бошига тушиши мумкин бўлган улкан хавфу
тардан огоҳлантиради. Асрлар оша номи ва ижоди яшаб келаятган ижодкорлар
рбоқийлиги ҳам келажакни олдиндан кўра билишида бўлгани каби, Абдулла
рипов ҳам эртанги кун ва у кундаги муаммоларни олдиндан пайқаш ва
вотирга тушиш жиҳатидан бошқалардан анча олдинда туришини "Мардикор"
еъри орқали шу тариқа кўрсатиб бера олган.



Заковатли инсонни

*Ҳаётга буюк эҳтиромидан ҳам
танид олса бўлади.*

Виктор ГЮГО

